

Ибн Жарир ҳар куни қирқ варақ асар ёзган



14:05 / 29.06.2019 1909

Хотиб айтади: «Симсимийдан эшитдимки, ҳикоя қилинишча, Ибн Жарир қирқ йил узлуксиз ҳар куни қирқ варақдан асар ёзган. Унинг шогирди Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Жаъфар Фарғоний «Ас-Сила» номи билан танилган китобида (бу китоб «Тарихи Ибн Жарир»га уланиб кетган) қуйидагиларни келтирган: «Ибн Жарирнинг шогирдларидан бир гуруҳи унинг балоғат ёшидан то вафотига қадар ҳаётини ўрганиб чиқдилар У саксон олти ёшда вафот этган эди. Сўнгра ёзган асарларининг варақларини унинг балоғат ёшидан то умрининг охиригача бўлган вақтга бўлиб чиқишди. Ҳар бир кунига ўн тўрт варақдан тўғри келди. Ҳа, бу кўрсаткич банданинг имкони етмайдиган, фақатгина Холиқнинг гўзал инояти билангина эришиладиган кўрсаткич эди». Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, ҳимматнинг юксаклигини қаранг!

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан